

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛТЕТИ
“ЖАҲОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ

ИСЛОМОВ БЕКЗОД ТЎЛҚИН ЎҒЛИ

**XIII-XIV асрларда Олтин Ўрда давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва
сиёсий ривожланиши**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: А.Бийкузиев

ТОШКЕНТ 2018

Мундарижа

<u>Кириш</u>	3
<u>I-БОБ.ОЛТИН ЎРДА ДАВЛАТИНИНГ СИЁСИЙ ТАРИХИ ВА</u> <u>ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИНИНГ АСОСИЙ</u> <u>ХУСУСИЯТЛАРИ</u>	7
<u>1.1 Олтин ўрданинг ташкил топиши</u>	7
<u>1.2 Олтин ўрданинг сиёсий тарихи</u>	9
<u>1.3 XIII-XIV асрларда Олтин Ўрданинг ижтимоий иқтисодий ҳаёти</u>	11
<u>II-БОБ. ОЛТИН ЎРДАДА ДАВЛАТЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ ВА</u> <u>МАДАНИЙ ҲАЁТИ</u>	13
<u>2.1 Олтин Ўрданинг давлат тузилиши</u>	13
<u>2.2 Олтин Ўрдада шаҳарлар ҳаёти</u>	15
<u>2.3 Олтин Ўрдадаги маданий ҳаётининг асосий хусусиятлари</u>	16
<u>Хулоса</u>	19
<u>Фойдаланилган адабиётлар</u>	21

Кириш

Мавзунинг долзарблиги.

Мустақилликка эришганимиздан кейин тарих фанида умумжаҳон цивилизациясини ўрганиш, турли мамлакатларнинг тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга қизиқиш ортиб бормоқда. Зеро, жунё халқларининг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бой тарихини жиддий ўрганишни талаб қилмоқда. Муайян мамлакат воқеа ҳақида, шахсга муносабат билдираётганда, бу фақат бир киши ёки муайян тоифадаги кишиларнинг нуқтаи - назари бўлиши мумкин. Зеро, чуқур таҳлил, мантиққа асосланмаган бир ёқлама фикр одамларни, аввало тарих ўқитувчиларини чалғитади.

XIII-XIV асрларда Олтин Ўрда давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши мавзуси юқорида таъкидлаб ўтилган масалалар сирасига киради. Бу борада хорижда кўплаб тадқиқотчилар илмий асар монографиялар нашр этилган. Ушбу мавзунинг мазкур мавзу мўғуллар билан хоразмшоҳлар давлати ўртасидаги элчилик, савдо алоқалари батафсил берилган. Тарихшунос олимлар мўғулларнинг хоразмшоҳлар давлатини босиб олишини манбалар асосида ёритишга ҳаракат қилган. Олтин Ўрда давлатидаги сиёсий вазият, ўзаро ички низолар, турли мамлакатлар билан ўзаро муносабатларини атрофлича ёритиш тарих фани муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Ўрта асрлар мўғуллар тарихини дастлабки ўрганиш ишлари XIX аср охири ва XX аср бошларига бориб тақалади. Бу даврлар акад. В.В.Бартолд номи билан боғлиқ. Унинг «Мўғул босқинчилари даврида Туркистон» номли асари биринчилардан бўлиб кенг доирада манбалар таҳлилига асосланган бўлиб, унда мўғуллар ижтимоий тузуми тафсилоти, шунингдек мўғуллар тарихининг айрим кам эътибор берилган жиҳатларини ҳам тадқиқ қилиб, изланишлари натижасида бир қатор асарлар ва мақолалар эълон қилган.

1937 йилда А.Ю.Якубовскийнинг акад.Б.Д.Греков ҳамроҳлигида янги, кенг доирадаги манбалар, шу жумладан форс ва араб тилларидаги манбалар, асосида ёзилган мўғуллар тарихига оид асар чоп этилди. Асарда Жўжи Улуси- Олтин Ўрданинг ташкил топиши, тараққиёти ва инқироzi масалалари ёритиб ўтилган бўлиб, «Золотая Орда и его падание» номли асари 1979 йилда нашр этилган.

Рус шарқшуносларининг кўпчилиги Олтин Ўрда муаммоси билан маълум даражада шуғулланган. Григорев, Савелев, Березин, Веляминов – Зернов, Саблуков, Патканов, Тизенгаузен ва Веселовский каби тарихчилар бу борада катта иш олиб борганлар. Бироқ, буларнинг ҳеч бири Олтин Ўрда тарихига доир бутун бир асар ёзган эмас. Рус шарқшунос олими В.Г. Тизенгаузендек катта иш қилмаган; у умрининг кўп йилларини шарқ манбаларидан (араб ва форс манбаларидан) маълумотлар тўплашга сарф қилди. 1884 йилда унинг «Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. Извлечения из сочинений арабских» номли асари босилиб чиқди. Бу асарни Тизенгаузен XIII-XV асрларда яшаган муаллифларнинг, асосан араб ва форс муаллифларининг Олтин Ўрда ҳақида берган маълумотларига асосланиб ёзган¹

Жўжи улуси, яъни Олтин Ўрда тарихига оид яна бир маълумотни биз И.Березиннинг «Жўжилар улуси ички туғулиши ҳақида очерк» («Очерк внутреннего устройства Улуса Джучиева») номли асаридан оламиз. У ўғлонлар, беклар, улус беклари ва тархонлар ҳамда улар оладиган ёрлиқлар ҳақида муҳим маълумот ёзиб қолдирган.

Олтин Ўрда тарихи билан Б.Д. Греков ва А.Ю.Якубовскийлар ҳам анча чуқур шуғилланган рус шарқшунос олимларидандир. Улар бирлагиликда Олтин Ўрда тарихига бағишланган «Олтин Ўрда ва унинг қулаши» номли ажойиб асар яратганлар². Бу асар жуда кўп маълумотлар асосида Олтин Ўрданинг вужудга келиши, унинг тараққиёти, давлат тузилиши, сиёсий

¹ Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. Извлечения из сочинений арабских. Т.1. СПб., 1884. - С.3-10.

² Греков Б.Д. Якубовский А.Ю. Золотая Орда и её падение - Т., 1956.

тарихи, шаҳар ҳаёти, Россия билан муносабатини, ҳамда унинг феодал тарқоқлик натижасида бўлиниб кетиши ва қулашини тасвирлаб беради.

К.В.Кудряшовнинг «Дашти Қипчоқ» («Половская степь». Новая серия, Т.2. М., 1948.) номли асари ҳам Олтин Ўрда тарихини ёритишда муҳим манба, маълумотдир.

XX асрнинг 50 йилларидан кейин мўғуллар тарихини, уларнинг Осиё ва Европага ҳужумлари ва унинг оқибатларини ўрганиш бўйича мутахассис тарихчилар илмий изланишларини ҳам юқори баҳолаш мумкин. Бу борада алоҳида илмий тадқиқот муассасаларида фаолият кўрсатган акад.Л.В.Черепнин, Л.И.Думан, В.Т.Пашуто, Н.П.Шастина, Н.С.Мункуев (Москва), Л.Н.Гумилев, И.П.Петрушевский, Е.И.Кычанов (Санкт-Петербург), М.Г.Пикулин (Тошкент), А.Галстян (Ереван) кабиларнинг хизматлари эвазига мўғуллар тарихининг турли соҳалари ўрганилиб, фанга маълум қилинди. Рус тарихшунослигининг мўғулшунослик йўналиши бўйича шуғулланувчи ёш авлодлар сирасига А.А.Бонцагин, С.Кучера, Г.В.Мелихов, Н.П.Свистунова, В.М.Серов, М.Кутлуков ва бошқаларни киритиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади XIII-XIV асрларда Олтин Ўрда давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши тарихини тадқиқ этишдан иборатдир. Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда илмий иш олдига қуйидаги **вазифалар** қўйилди:

- Олтин Ўрда давлатининг сиёсий тарихи ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг асосий хусусиятларини ёритиш;
- Олтин ўрданинг ташкил топишининг асосий сабаблари кўрсатиб бериш;
- Олтин ўрданинг сиёсий тарихидаги ўзига хос жиҳатларини очиб бериш;
- XIII-XIV асрларда Олтин Ўрданинг ижтимоий иқтисодий ҳаётидаги ўзига хосликларни кўрсатиб бериш;

- Олтин Ўрданинг давлат тузилиши анъаналарини тадқиқ этиш;
- Олтин Ўрдада шаҳарлар ҳаётига доир масалаларни ёритиш;
- Олтин Ўрдадаги маданий ҳаётининг хусусиятларини ёритиб беришдан иборатдир.

Малакавий битирув ишининг илмий янгилиги.

Шуни таъкидлаш лозимки Олтин Ўрда давлатининг тарихи асосан хориж тадқиқотчи олимлари томонидан ўрганилган. Шу боисдан мазкур мавзуда ўзбек тилида асосан умумий турдаги маълумотлар берилган. Шу боисдан XIII-XIV асрларда Олтин Ўрда давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши тарихи илк бора манбалар асосида ва сўнгги йилларда эришилган илмий ютуқлардан фойдаланилган ҳолда ёритилди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси. Илмий ишда, аввало, сўнгги йилларда етакчи тадқиқотчи олимлар томонидан мавзуга оид янги хулосалар, илгари сурилган назариялар асос қилиб олинди. Шунингдек, тадқиқот ишида объективлик, тарихийлик, тизимли таҳлил, умумлаштириш, таққослаш методлари асосида тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Ушбу малакавий битирув ишидаги назарий хулосалар, мулоҳазалар, далил-асослар, таклифлар ва тавсиялар Жаҳон тарихи (ўрта асрлар тарихи), халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи ҳамда давлатчилик тарихи масалалари билан боғлиқ фанларни ўрганувчи талабаларга қўшимча маълумотлар сифатида қўл келиши мумкин.

Илмий ишнинг тузилиши. Битирув малакавий ишнинг тузилиш жиҳатидан кириш, 4 та параграфни ўз ичига олган 2 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ.ОЛТИН ЎРДА ДАВЛАТИНИНГ СИЁСИЙ ТАРИХИ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1 Олтин ўрданинг ташкил топиши

Маълумки, Чингизхоннинг бош хотинидан тўрт ўғли бўлган: Жўжи, Чиғатой, Уғодой, Тули. Энг катта ўғли Жўжига асл Мўғулистондан ғарбдаги энг узоқ ерлар улус ва юрт қилиб берилган. Бу ерларнинг асосий қисми Дашти Қипчоқ бўлган. Бироқ, Жўжининг ҳаётлик чоғида Дашти Қипчоқ номигагина унга қарашли бўлган, чунки унинг катта қисми ҳали истило қилинганича йўқ эди. Қурултой (1229 ва 1235-йилларда) Европанинг жануби-шарқига юриш 1236 йилдагина истило амалга оширилган. Юришга Жўжининг ўғли Боту бошчилик қилган, унга жануби-шарқий яхши бўлган Субутойни ёрдамчи қилиб беришганки, бна уни Калка дарёси йўйидаёи-жангдан биламиз. Тузилган режа бир неча йил ичида амалга оширилиб, Дашти Қипчоқ, шунингдек Булғор вилояти, Қрим ва Кавказ (то Дарбантгача) мўғуллар, яъни татарлар қўлига ўтган. Бунинг устига, 1238 йилда рус князликлари – Рязань, Владимир ва бошқа князликлар бўйсундирилган. Иовгородга юриш эълон қилинган, лекин заифлашиб қолган татар қўшинлари баҳор яқинлашиб, натижада тошқинлар рўй бериши, ботқоқликлар майдонга келиши туфайли бу юришдан қайтишга мажбур бўлган. 1240 йилда Киев босиб олинган, натижада Боту учун Ғарбга бориш йўли очилган. 1240–1242 йилларда унинг қўшинлари Польша, Венгрия ва Далмациями вайрон қилган. Лекин Боту бу мамлакатларни қўлда сақлаб қололмаган ва Валахия ҳамда Молдавия орқали Дашти Қипчоққа қайтиб келган. В. В. Бартольднинг фикрича, Ботунинг ғарбга қилинган юришдан қайтиб келишига қисман унинг шахзодалардан Куюкхон (Уғодойнинг ўғли) ва Бўри (Чингизхоннинг невараси) олан аразлашиб қолганлиги, қисман эса буюк хон Уғодойнинг вафот этганлиги ҳақидаги хабар сабаб бўлган¹. Бу фактларнинг аҳамиятини камситиб бўлмаса ҳам, бироқ татарларнинг Шарққа

¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сборник сочинений. Т-1. М., 1963. – С.224

кайтиб кетишининг асосий сабаби улар рус князликлари билан курашда жуда заифлашиб қолган ва Чехия королининг қўшинлари ва Австрия герцогининг отрядлари билан қатъий жангга киришиш учун татарларда илгаригидек кучкуват қолмаган эди.

Волгабўйи босиб олинганидан кейин булғорлар билан қипчоқларнинг бирлашиб туриб татарларга кўрсатган қаршилиги унча маълум эмас. Ботунинг Ғарбга қилган юриши вақтида татарлар қўшинининг орқа томонида чинакам кўзғолон бўлган.

Кўзғолонга булғор оқсоқолларидан Баян билан Жику, қипчоқлар бошлиғи Алирлик қабиласидан чиққан Бачман ва ас (алан)лар бошлиғи Качир-Уқула бошчилик қилган. бу ерда энг серғайрат шахс Бачман бўлган бўлса керак. кўзғолонни бостириш учун Субутой билан Мунка юборилган, булар ўша вақтда Ботунинг қўшинида хизмат қилган. Татарлар бу ватанпарварлик ҳаракатини узоқ вақтгача бостира олмаган. Улар ҳатто Бачман ва унинг асосий отрядлари турган ерга ҳеч етиб бора олмаган. Бачман ўрмонларда бекиниб, татар қўшинидан барвақт қочиб улгурган. Тулининг ўғли Мунка Итилний (Волганинг) чап қирғоғи билан бориб жуда кўп уринганидан кейин, Бачман лагерининг изини топишга муваффақ бўлган; Бачман дарё оролларида бирида бекиниб ётган бўлган. Жувайний билан Рашидиддиннинг айтганига ишониб, кучли довул ва бўрон вақтида сув дарёнинг чап қирғоғидан сурилиб кетганда, татарлар Бачманни ғафлатда қолдириб, қуруқликдан оролга етиб келган ва кўзғолончиларни кўпчилигини қириб ташлаган. Уларнинг қўлига тушган Бачман қатл этилган¹.

Татарларнинг Бачманга қарши нечоғлик ғайрат билан кураш олиб борганлигига қараб ҳукм қилганда, қипчоқлар ҳамда уларнинг иттифоқчилари бўлган булғорлар билан аланлар истилочи татарларга жуда кўп ташвиш ва қийинчиликлар туғдирганлар.

¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сборник сочинений. Т-1. М., 1963. – С.226.

1.2 Олтин ўрданинг сиёсий тарихи

Ёзма манбалардаги маълумотларнинг жуда камлиги туфайли биз Олтин Ўрданинг ички тарихига оид энг муҳим фактларнинг ҳаммасини хронологик бир тартибда бир-бирига боғлаб айтиб бера олмаймиз. Худди шу сабабдан, афсуски, сиёсий тарих воқеаларини ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг асосий фактларидан айирмасдан илож йўқ. Эътироф этиш нақадар қайғули бўлса ҳам, лекин XIII–XIV асрларнинг бирор ўн йиллиги даврида ички ҳаётга қандай ўзгаришлар киритилганини билимларимизнинг ҳозирги босқичида айтиб беришнинг иложи йўқ.

Гарчи Олтин Ўрда Жўжи Улуси деб аталган бўлса-да, лекин Жўжининг ўзи аслида Олтин Ўрда давлати тақдирида ҳеч қандай роль ўйнаган эмас, деб бир неча бор кўрсатиб ўтилди. Хуллас Шарқий Европани истило этган ва шу билан Олтин Ўрдага асос солган биринчи хон – Ботудир. У 1237 йилдан 1256 йилгача ҳукмронлик қилган деб ҳисобланади, лекин унинг хонлиги 1236 йилдан, яъни бутун Дашти Қипчоқ бўйсундирилган йилдан бошланади, дейилса тўғрироқ бўлар эди. Боту тўғрисида маълумотлар кам. Лекин, Боту фақат истилочилик юришларига бошчилик қилган шижоатли йўлбошчигина бўлмай, балки янгидан вужудга келтирилган давлатнинг йирик ташкилотчиси ҳам бўлганлиги шак-шубҳасиздир. Бу айрим-айрим ҳолда, эндиgina вужудга келган улуслар Чингизхоннинг ягона империяси билан ҳали маҳкам боғланган ва унинг таркибига асосий қисмлар бўлиб кирган бир давр эди. Ботуга Чингизхон ўлгандан кейинги (1227) энг масъулиятли йилларда ҳаракат қилишга тўғри келган. Боту, улуғ хон Уғодой замонидан (1229–1241) империя ҳаётида фаол бир шахс бўлган ва 1251 йилда Тули уруғи кўтарилиб, Чингизхон тахтида Тулининг ўғли Мунқа (1251 – 1259) пайдо бўлган вақтдаги тўнтаришда фаол қатнашган¹. Шундан кейин Жўжи хонадони билан Тули хонадони Уғодой билан Чигатой хонадонларига қарши бирлашган.

¹ Греков Б.Д. и Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. М.-Л., 1976. – С.18.

Маълумки, тўнтариш вақтида Уғодой уруғигагина эмас, балки Чигатой уруғига ҳам зарар етган. Боту бу фурсатдан фойдаланган ва улуғ хон Мунқа билан келишиб туриб, Мовароуннахрнинг ҳақиқий ҳукмрони бўлиб олган, шу билан бирга Жўжи Улусининг чегараси аввалгидек Амударёдан эмас, балки Еттисувдан, Чу дарёсидан сал нарироқдаги бир жойдан ўтадиган бўлган. Боту янгидан вужудга келтирилган давлатда Волгабўйининг қандай аҳамияти борлигини назар-эътиборга олган, Ботунинг Волгабўйида ўз қароргоҳини ташкил қилганлиги ва Волга дарёси этакларида улусининг пойтахти – Саройни барпо қилганлиги бежиз эмас.

Боту асосий қўшинга ўз отрядларини ёрдамга юбориб ва албатта қўлга тушириладиган ўлжадан ўз ҳиссасини олишни мўлжаллаб, мўғул (татар)ларнинг асосий ҳарбий тадбирларининг ҳаммасида қатнашган. Худди шу сабабдан Жузжоний бундай деб ёзади: «Эроннинг мўғуллар ҳокимияти остига тушган ҳар бир вилоятининг маълум бир қисми унга (Ботуга) қарар эди ва унга қарашли бўлган округга унинг ҳокимлари қўйилган эди». Кейинчалик бу нарсa жўжиларнинг Озарбайжонни даъво қилиб чиқиши учун баҳона бўлганки, буни биз қуйида кўриб ўтамиз.

Кўчманчи феодал маслағи жиҳатидан шомонист ва мусулмонлар назарича бутунлай маданиятсиз киши бўлган Боту жануби-шарқий Европанинг мўғуллар томонидан истило этилиши натижасида вужудга келган ёш давлатнинг мураккаб бир вазиятида саросимага тушмаган. Ўзининг маслаҳатчиларига суянган (булар орасида мусулмон савдогарлари ҳам кўп бўлган) Боту эксплуатациясининг энг шафқатсиз формаларини қўллаш йўли билан энг кўп даромад ундиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйиб, дарҳол қаттиқ сиёсат юргиза бошлаган. У бўйсундирилган рус князликларидан хирож ундиришни йўлга қўйган, бунинг учун махсус амалдорларни – доруғачиларни мўғул отрядларига бошлиқ қилиб юборган; деҳқон ва кўчманчи аҳолидан, шунингдек Қрим, Булғор, Волгабўйи, Хоразм ва Шимолий Кавказ шаҳарларидаги ҳунарманд ва савдогарлардан ҳартурли феодал мажбурият ва ўлпонлар ундирадиган аппарат вужудга келтирган.

1.3 XIII-XIV асрларда Олтин Ўрданинг ижтимоий иқтисодий ҳаёти

1246 йилда Дашти Қипчоқдан ўтган Плано Карпини қипчоқ даштидаги кўчманчиларнинг бойлигини қўйидаги сўзлар билан таърифлаб берган: «Улар чорвага: туя, хўкиз, қўй-эчки ва отларга жуда бой. Юк ташийдиган хайвон уларда шу кадар сон-саноксизки, фикримизча, бутун дунёда шунчалик бўлмаса керак». Плано Карпинининг татарлар тўғрисидаги бу гапларини қипчоқларга ҳам тўла-тўқис татбиқ этса бўлади. Татарлар Дашти Қипчоқ шароитида яшаб, уердаги кўчманчи аҳолининг кичкинагина бир қисмини ташкил этган ва, бизга маълум бўлганидек аста-секин қипчоқлар оммасига аралашиб-қуралашиб кетган. Мўғуллар кўчиб юриш тартибларини, яъни кўчманчилик билан хўжалик юритиш тартибларини жануби-шарқий Европага ҳам олиб келган, шу билан бирга бу тартиблар қипчоқларда мавжуд бўлган тартиблардан унчалик фарқ қилмаган бўлса керак чунки қипчоқлар маданият жиҳатидан мўғул-татарлардан бирмунча устун турганлигига шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Олтин Ўрда Жўжи хонадони хонларининг улуси деб қаралган, демак ундаги бутун кўчманчи аҳоли, қишлоқ. ва шаҳар аҳолиси хон бошлиқ Жўжи хонадонига қарашли аҳоли деб ҳисобланган. Улус худуди, яъни юрт хон хонадонига мансуб «шаҳзодалар» (булар одатда хон билан кетма-кет турган) ва йирик нўёнлар – қипчоқ-татар феодаллари ўртасида муайян бир вақтда тақсимланган бўлган. Шаҳзодалар билан нўёнлар айна вақтда отоқли фуқаро амалдорлари ва айниқса ҳарбий амалдорлар (туманбоши, мингбоши, юзбоши) бўлган. Олтин Ўрдадаги кўчманчи хўжаликнинг ўзи, чунончи, мўғул империясининг ҳам ҳамма жойидаги сингари феодал муносабатлар шароитидаги хўжалик эди, яъни яйловлар айрим феодаллар ўртасида қатъий суратда тақсимланган эди. Бу тўғрида Плано Карпини шундай деб ёзади: «Агар император кишининг қаерда туришини кўрсатиб бермаса, у бирорта мамлакатда туролмайди. Унинг ўзи эса йўлбошчиларнинг турадиган жойини,

йўлбошчилар туманбошиларнинг, мингбошилар юзбошиларнинг, юзбошилар эса ўнбошиларнинг турадиган жойини кўрсатиб беради»¹.

Мўғулистоннинг кўчманчи хўжалигидаги асосий қарам бирлиги – айил бўлган. Айил ўз хўжалигини индивидуал тарзда олиб борадиган кўчманчи оила бўлиб, даштнинг бутун феодал тартиби шунга асосланган. Айил, хўжа (хон, шахзода, нўён, бек бағатур, туманбоши, мингбоши, юзбоши ва бошқалар) томонидан ажратиб берилган яйловларда кўчиб юради, натурал хўжалик шароитида хўжа учун шаҳар бозорида, албатта, товар алмашлашни ҳам ўз ичига оладиган ҳар хил мажбуриятларни адо этади. Сайёҳлар XIII асрдаги шундай бир кўчманчи оилада ишлаб чиқариладиган буюмларнинг рўйхатини берганлар. В. Рубрукнинг сўзича: «Улар (татарлар) наमत ҳам килиб, томларини ёпадиган бўлганлар. Эркаклар ўқ-ёй ясаган, узанги ва жиловлар тайёрлаган ва эгарлар қилган, уй ва аравалар қурган, отларни кўриқлаган ва бия соққан, қимизни чайқатиб кўпиртирадиган, уни сақлайдиган мешлар ясаган, шунингдек туялар ва уларнинг бўталокларини кўриқлаган. Улар қўй ва эчкиларни биргалашиб туриб кўриқлаганлар, уларни баъзида эркаклар, баъзида аёллар соғадиган бўлган, улар терини қатиқ билан ошлаб пиширганлар». В. Рубрук татарлар хўжалигида аёллар қандай роль ўйнагани тўғрисида бундай деб ёзади: «Аёлнинг вазифаси аравалар кўшишдан, уларга соябонларни кўндириш ва у ердан олишдан, сигир соғиш, ёғ ва қурт қилишдан, тери пишириш ва уни тикишдан иборат бўлган. Худди шулар пайларни ингичка ип қилиб ажратиб, кейин уларни узун бир ип қилиб улаган. Улар яна шиппак, чориклар ва бошқа кийим-кечаклар ҳам тикканлар»².

¹ Греков Б.Д. и Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. М.-Л., 1976. – С.57.

² Греков Б.Д. и Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. М.-Л., 1976. – С.63.

II-БОБ. ОЛТИН ЎРДАДА ДАВЛАТЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИ

2.1 Олтин Ўрданинг давлат тузилиши

Олтин Ўрданинг давлат тузилиши Жўжи Улусининг бошқа бирорта томонига қараганда яхшироқ ўрганилган. Маълумки, амалда бутунлай мустақил бўлган мўғул давлатлари юридик жиҳатдан олганда Чингизхоннинг бир бутун феодал империясининг бўлаклари ҳисобланган. Б.Я. Владимирцовнинг айтишича: «Чингизхон уруғининг ўз улуси, яъни халқ-давлат устидан бўлган ҳокимияти шунда ифодаланадики, уруғдошлардан, биттаси барча уруғдошларнинг кенгашида сайланиб, бутун империяни сўрайдиган император, хон бўлиб олади; уруғнинг бошқа аъзолари, асосан унинг эркак томирлари мерос тарзида фойдаланиш учун удел-улус олишга ҳақ-ҳуқуқи бўлган шахзодалар... деб тан олинади».

1251 йилдаги қурултой жуда ибратли бўлган, бу қурултойда Чингиз хонадонига мансуб шахзодалар уч йиллик танаффусдан кейин ҳарбий зодагонларнинг фаол иштироки билан Тулининг ўғли Манкуни улуғ хон (ҳоқон) қилиб сайлаган. Бу сайловнинг қандай шароитда ўтганлиги, Чингиз хонадонининг ўз ичида номзод учун олиб борилган кураш, шахзодаларнинг улусдан-улусга қатнаши, махсус чопарлар юборилиши, фиск-фужурлар – мана буларнинг ҳаммаси шу қадар ибратли ва типик воқеалардирки, мўғуллар империясида ва унинг айрим қисмларида – улусларда катта ва кичик қурултойларнинг қандай ўтганлигига классик бир мисол бўлиб хизмат қила олади.

Манкухоннинг қандай қилиб сайланганлигини Рашидиддин батафсил ҳикоя қилади. Икки хонадон – Жўжи хонадони билан Тули хонадони бошқа икки хонадонга – Угодой хонадони билан Чиғатой хонадонига қарши бирлашган. Бунда Ботухон асосий ва энг фаол роль ўйнаган, у Тулининг ўғли Манкуни бутун Мўғулистон тахтига чиқартирмоқчи бўлган. Бу ишда Ботуга укаси Берка ёрдамчи бўлган, Берка Мўғулистонга борганда Манкуга катта хизмат кўрсатган. Боту дастлаб қурултойни Дашти Қипчоқда, яъни

Жўжининг ерларида чақирмоқчи бўлган, лекин бу амалга ошмай қолган. Уғодой билан Чигатой хонадонларига мансуб шахзодалар қурултойни ҳар сафарги жойда, илгаридан Чингизхон қароргоҳи бўлиб келган Керулен (Келурен) дарёси бўйида чақиришни талаб қилиб туриб олганлар. Бу тортишув-жанжалга шахзодалардан ташқари, отрядларга бошчилик қилаётган нуфузли туманбоши ва мингбошилар ҳам тортилиб, натижада қурултойни пойтахт Қорақурумда чақиришга қарор қилинган ва шуерда тахтга Манку ўтқизилган. Бу воқиянинг сиёсий аҳамияти тўғрисида юқорида гапирилган эди. Умуммўғул характеридаги қурултойлар сингари, улусларда ҳам шахзодалар билан зодагонларнинг қурултойлари тўпланиши лозим бўлган. Дастлабки вақтларда катта-катта улусларга бошчилик қилган «шахзодалар» улуғ хонга бўйсунган. Лекин 1259 йилда Манку ўлгандан кейин барча улуслар учун мажбурий аҳамиятга эга бўлган умуммўғул қурултойлари бўлмаган.

Олтин Ўрда давлати феодал монархия бўлиб, 1227 йилдан (Жўжи ўлган йилдан) бошлаб то 1359 йилгача Боту хонадони, қўлида турган хонлик ҳокимиятини Дашти Қипчок, Қуйи Волгабўйи, Булғор, Қрим ва Хоразмдаги кўчманчи, ярим кўчманчи ва ўтrock феодалларнинг том маъноли ҳокимияти бўлган. Бу феодал аристократиянинг ҳукмрон юқори табақаси давлатдаги энг катта (ҳарбий ва фуқаро) мансабларни эгаллатан подшолик қилувчи сулоланинг аъзоларидан иборат бўлганлигини юқорида кўриб ўтган эдик. Унг ва сўл қанот ўғлонлари, туманбошилар ва давлатнинг айрим қйсмларининг ҳокимлари, ёки ноиблари (масалан, Хоразмда Темур Қутлик) шу подшолик қилучи сулола аъзоларидан чиққан эди. Булар, ниҳоят, янги хон сайлаш учун, шунингдек бирор ҳарбий тадбирни муҳокама қилиш учун чақирилган қурултойларда ҳам асосий роль ўйнаганлар. «Император (улуғ хон) ўлгандан кейин,— деб ёзади Плано Карпини,— бошлиқлар йиғилишди ва императорликка юқорида номи айтилган Чингизхоннинг ўғли Уғодойни сайлашди. У князьлар мажлисини қилиб, қўшинларни тақсимлади».

2.2 Олтин Ўрдада шаҳарлар ҳаёти

Олтин Ўрдада шаҳар ҳаёти жуда тараққий қилган. Қрим, Кавказ, Булғор, Куйи Волгабўйи ва Хоразмдаги хунармандчилик ва савдо шаҳарларининг номларини бирин-кетин санаб чиқишнинг ўзи зўр таассурот қолдирган бўлур эди, деб ўйлаймиз. Шаҳарларнинг кўпчилиги Олтин Ўрда давлати ташкил топмасдан анча илгари ҳам бор эди, албатта. Қримдаги Кафа (Феодосия), Судок, Керчь шаҳарлари, Азов денгизи бўйидаги Азоқ (Азов) шаҳри, Хоразмдаги Урганч шаҳри, ҳамда Булғор, Биляр каби шаҳарлар мўғуллар даврида анча ўсган; Қрим (ҳозирги Кўхна Қрим), Волгабўйида Сарой Боту ва Сарой Берка, Шимолий Кавказда Можор каби шаҳарлар ва бошқалар янгидан бино қилинган. XIII–XV асрлардаги шарқ манбаларида, араб, форс ва арман муаллифларининг асарларида Олтин Ўрдадаги шаҳарларга ва савдо-сотиқ ишларига оид кўпгина маълумотлар бор. Географик хусусиятларга ва қўшни мамлакатлар билан эскидан савдо муносабатлари йўлга қўйилганлигига кўра, Олтин Ўрда шаҳарларида савдо ишлари ғоят қулай бир шароитда ривожланиб борган, деб юқо-рида айтиб ўтилган эди. Олтин Ўрда шаҳарлари ичида энг яхши ўрганилгани Сарой Берка шаҳридир; Берка замонида (1255–1266) бино қилинган бу Саройга Ўзбекхон даврида (1312–1342) давлатнинг пойтахтини Сарой Ботудан кўчириб олиб келинган. Сарой Берка тўғрисида фақат ўша замондаги сайёҳларнинг маълумотлари, географлар ёки тарихчиларнинг бу шаҳарда бўлган савдогарлардан, асосан, мусулмон савдогарларидан эшитиб ёзган ҳикояларигина эмас, балки Терешченконинг жуда катта шаҳар территориясида (бу ҳудуднинг бир қисмини ҳозирда Ленинск деган кичик бир шаҳар эгаллаган) XIX асрнинг 40-йилларида ўтказган қазилар ишлари натижасида қўлга киритилган жуда бой археологик материаллар ҳам бор. Шаҳарнинг ўзи ва ундан топилган моддий маданият ёдгорликларига қараб, мўғуллар даврида (XIII–XV асрлар) бу катта савдо-хунармандчилик шаҳри қандай шаҳар бўлганлигини ҳозир билиш мумкин. Сарой Беркадан топилган буюмларнинг Эрмитажнинг Шарқ бўлимида жуда кўплиги ёзма манбаларда, асосан, араб муаллифларининг асарларида

сақланиб қолган умумий ва қисқа хотираларни конкрет қилиб очиб бериш имкониятини беради.

Бу хотиралар шарқшунослик адабиётига яхши маълум ва унинг таржимаси Олтин Ўрдага дойр турли асарларда бир неча марта босилиб чиққан. Ал Умарий бундай деб ёзади: «Энг шавкатли тилмоч Шижоиддин Абдурахмон Ал Хоразмий менга, Сарой шаҳрини Беркахон Турон дарёси (Итиль) бўйига қурдирган; шаҳар шурхок ерда бўлиб, атрофида ҳеч қандай девор йўқ; бу ерда катта сарой бор, унинг мезанасида оғирлиги икки кантар келадиган уч кунлик олтин ой товланиб туради; саройнинг теварак-атрофи деворлар, минора ва уйлар билан ўралган бўлиб, бу уйларда сарой амирлари яшайдилар; бу саройда уларнинг кишки бинолари бор, деб ҳикоя қилди. Бу дарё (Итиль), дейди у, катталиги жиҳатдан олганда Нил дарёсидан уч марта ва ҳатто ундан ҳам каттароқдир; бу дарёда катта кемалар юради, уларда Русь ва Славянлар-нинг юртлирига борилади. Бу дарё Славянлар юртидан оқиб келади. У, яъни Сарой, буюк бир шаҳар бўлиб, унинг бозорлари, ҳаммом ва эҳром-ибодатхоналари бор; моллар шу жойга жўнатилади. Саройнинг қоқ ўртасида ҳовуз бўлиб, унга (Итиль) дарёсидан сув олиб келинган. Ҳовуз суви фақат ерга сепилади ва турли ишлар учун ишлатилади, ичиладиган сув эса дарёдан келтирилади; аҳоли сопол кўзаларга сув тўлдириб, уларни араваларга қатор қилиб тизади ва шаҳарга олиб келиб сотади». Маълумки, Ибн Батута 1333 йилда Саройда бирмунча вақт яшаган, шунинг учун ҳам унинг айтганлари алоҳида қимматга эгадир.

2.3 Олтин Ўрдадаги маданий ҳаётининг асосий хусусиятлари

Олтин Ўрданинг маданияти тўғрисида сўз кетганда аввало маданият билан бирга шу маданиятнинг эгасини, яъни уни вужудга келтирган халқни ҳам кўзда тутилади.

Олтин Ўрданинг халқи бир хил эмас эди. Бу ерда бўйсундирилган халқлар ва келгинди-кўчманчилар – маҳаллий халқни босиб олган ва эзган татарлар бор эди. Демак Олтин Ўрда ҳудудида ягона маданият бўлиши мумкин эмас эди. Хоразмнинг, Булғорлар юртининг ва Қрим шаҳарларининг

кадимий ва анча тараққий қилган ўз маданиятлари бўлган, бу маданият босқинчиларнинг маданиятидан бениҳоя устун турган.

Юқорида кўриб ўтганимиздек босқинчиларнинг ўзлари маҳаллий кўчманчилар – қипчоқлар билан аста-секин қўшилишиб кетганлар. Олтин Ўрда давлати ҳаётининг то охирига қадар татарларнинг кўпчилик қисми кўчманчилик ҳолатидан чиқмаганлигини, демак кўчманчилик билан турмуш кечираётган халққа тамомила хос бўлмаган бир зайлда маданият ҳам яратиш мумкин эмаслигини айримлар Олтин Ўрдадапи турк-мўғулларнинг маданий ютуқларини ҳар тарафлама бўрттириб кўрсатишга уринадилар. Татарлар Волгабўйида ҳукмронлик қилган даврда вужудга келтирилган кўпгина ютуқлар эса татарларнинг ўзлари томонидан эмас, балки бўйсундирилган халқларнинг қўли билан яратилган эди.

Мўғулларнийг мажусий бўлганликлари, шуингдек уларда шомонизм кенг тарқалган. Плано Карпини, Вильгельм Рубрук, Марко Поло ҳамда XIII асрдаги арман муаллифлари мўғулларнинг диний эътиқодлари тўғрисида ўзларининг бирқанча қимматли кузатишларини ёзиб қолдирганлар. Карпинининг айтишича, «уларда (яъни мўғулларда) одамга ўхшатиб наमतдан ясалган қандайдир санамлар бўлиб, улар бу санамларни қароргоҳ эшигининг икки томонига тикка қилиб қўядилар ҳамда уларнинг ичига сигир эмчагига ўхшатиб наमतдан ишланган бир нарсани тикадилар ва уларни подаларни қўриқловчи, мўл-кўл сут берувчи ҳамда чорва молларининг наслларини ато қилучи деб биладилар. Бошқа санамларни улар шоҳи газламалардан ясаб, уларни жуда иззат-ҳурмат қиладилар. Баъзилар бу санамларни қароргоҳга кираверишдаги чиройли соябон аравага ўрнатадилар ва борди-ю, бирор кимса шу аравадан бир нарса ўғирласа, уни раҳмсизлик билан чопиб ташлайдилар.

Дашти Қипчоқда, кўчманчи меҳнаткашлар ғуж бўлиб яшаган жойда,– мўғулларнинг ўзида ҳам, шунингдек қипчоқлар орасида ҳам (XIV асрга келиб мўғулларнинг турклашиши жуда чуқур илдиз отиб кетган эди) ислом дини муваффақият қозонмади. Ҳар ҳолда, XV асрда ҳам Дашти Қипчоқда

кўпгина мажусийлар бўлган, яъни шомонизм эътиқодидаги кишилар анчагина бўлган. Шаҳарларда, шунингдек Олтин Ўрда давлатининг ҳоким синфлари орасида эса бутунлай бошқача манзара кўрилган. Камол Қарший (XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг боши) Қашқар турклари орасида карвон савдоси билан бирга ислом динининг ҳам ёйилиб борганлигини ҳикоя қилади. Олтин Ўрдада ҳам шундай ҳодиса юз берган. Маълумки, мусулмонлар яшайдиган шаҳарлардан Олтин Ўрда шаҳарларига, биринчи галда ҳар икки Сарой шаҳрига, савдо-гарлар ва доимий суратда кўплаб келиб турган хунармандлар билан биргаликда ислом дини ёйила бошлаган. Бунинг устига Олтин Ўрдада ислом динининг ёйилишида Ўрта Осиёнинг маданий марказлари, айниқса, Бухоро билан Урганч, шунингдек Булғор катта таъсир кўрсатган.

Юқори табақа феодалларнинг энг кўзга кўринган вакиллари ислом динига тортиш ишига Олтин Ўрда хонларидан Беркахон биринчи бўлиб асос солган. Беркахон XIII асрнинг 40-йилларидаёқ, яъни тахтга ўтиришидан илгариёқ ислом динини қабул қилган.. Олтин Ўрдада ислом динининг қабул қилиниши жуда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган. Мисрдаги мамлук султонлари Олтин Ўрдада ислом динининг қабул қилинишида айниқса зўр ташаббус кўрсатганлар, умумий душман, яъни хулагулар ҳукмронлик қилаётган Эрон хавф солиб турган бир вақтда мамлук султонларига Олтин Ўрда билан иноқлашиш зарур бўлган. Мисрдаги мамлук султонлари Олтин Ўрда билан олиб борган дипломатик муносабатларида Олтин Ўрда хонларига уларнинг ўз давлатларида ислом динини жуда тезлик билан қабул қилдириш масаласида кучли таъсир кўрсатганлар. Биз буни қуйида кўриб ўтамиз. Ўзбекхон, ниҳоят, 1314 йилда ўз элчилари орқали Миср султони ал Малик ан Носирга ислом динини қабул қилдиришнинг муваффақиятлари тўғрисида хабар қилиш имкониятига эга бўлган.

Хулоса

Малакавий битирув ишини ёзиш давомида қуйидаги хулосаларга келинди:

XIII асрнинг 40-йиллари бошида Ботухон бошчилигида ташкил қилинган феодал давлат (Жўчи улуси деб ҳам аталади). Олтин Ўрда хонлари Қуйи Дунай ва Фин қўлтиғидан Иртиш ҳавзаси ва Қуйи Обгача, Қора, Каспий ва Орол денгизлари ҳамда Балхаш қўлидан Новгород ерларигача бўлган ҳудудда ҳукмронлик қилган. Бироқ, русларнинг туб ерлари Олтин Ўрда давлати таркибига кирмас, балки унга тобе бўлиб, ўлпон тўлар эди.

Ботухон даврида Олтин Ўрда пойтахти Сарой Боту (ҳозирги Астрахань яқинида) бўлган; XIV асрнинг биринчи ярмида эса у Сарой Берка шаҳри (Беркахон асос солган; ҳозирги Волгоград яқинида)га кўчирилган. Олтин Ўрда заиф, сунъий бир давлат уюшмаси бўлиб, аҳолиси миллий жиҳатдан хилма-хил эди.

Олтин Ўрда аҳолисининг ижтимоий ва маданий тараққиёт даражаси ҳам турлича бўлган. Кўчманчилар ҳаётида ярим патриархал, ярим феодал муносабатлар мавжуд эди. Мўғул феодал зодагонлари экин майдонлари ва яйловларнинг асосий қисмини эгаллаб олган эдилар. Олтин Ўрданинг кўчманчи аҳолиси орасида ҳунармандчилик суёт бўлиб, шаҳар бозорларидаги мавжуд буюм ва матолар Хоразм, Шимолий Кавказ ва бошқа ерлардан келтирилган усталар томонидан ишлаб чиқарилар эди.

Давлатни Жўчихон хонадонидан чиққан хонлар идора қилган. Сиёсий ҳаётнинг айрим жабҳаларида ҳукмрон сулола вакиллари бошчилигида курултойлар — ҳарбий феодал зодагонларининг йиғинлари чақирилиб турилган. Давлат ишларини асосан беклар беги олиб борган. Халқдан солиқ йиғиш иши билан босқоқлар шуғулланган. Олтин Ўрда давлатининг табиатан заифлиги ва айниқса, унинг асоратига тушиб қолган халқлар миллий озодлик курашининг кучайиши давлатнинг таназзулга юз тутишига яна бир сабаб бўлди. Олтин Ўрда ўзининг ташкил топиши давридаёқ 14 улусга бўлинган бўлиб, уларни Жўчининг 14 ўғли идора қилган. Булардан 13 таси ярим

мустақил давлат бўлган ва Ботухоннинг олий ҳокимиятига бўйсунган. Мангу Темур (1267— 1280) вафотидан сўнг Жўчи хонадонига мансуб шахзодалар ўртасида феодал урушлар бошланган даврда марказий идора муассасаларига ерли кишиларни жалб қилиш тенденциялари кўзга ташлана бошлади. Тўда Мангухон (1280—1287) ва Тўда Буғахон (1287—1290) ҳукмронлиги даврида давлат бошлиғи расман Нўғай ҳисобланар эди. Фақат Тўқтухон (1290—1312) Нўғай ва унинг тарафдорларидан қутулишга муваффақ бўлди. Беш йилдан сўнг янги бошланган тўс-тўполонга Ўзбекхон (1312—1342) чек қўйди.

XIV асрнинг 60-йиллари бошида Олтин Ўрдан Хоразм, Астрахань ажралиб чиқди. Польша ва Литва Днепр дарёси хавзасидаги ерларни босиб олди. Бундан ташқари, Олтин Ўрданинг нуфузли улус амирларидан Мамай Москов князи бошлиқ кучли рус князлари иттифоқи билан тўқнашишга мажбур бўлди. У Русияни заифлаштириш мақсадида катта қўшин билан юриш бошлади, бироқ Куликово жангида тор-мор этилди.

Тўхтамишхон даврида ур-йиқитлар барҳам топди, марказий ҳокимият асосий улусларни ўз назорати остига олди. Тўхтамишхон Мамай қўшинларини Калка дарёси бўйида енгиб, 1382 йили Москвага хужум бошлади, уни қўлга киритди, шаҳарга ўт қўйди. У ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олгач, Амир Темурга қарши уруш очди. Амир Темур бир неча қонли жанглардан сўнг, Тўхтамиш қўшинларини янчиб ташлади, Волга бўйидаги бир қатор шаҳарларни вайрон қилди. Олтин Ўрда бу қақшатқич зарбадан сўнг ўзини сира ўнглай олмади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ализода А.А. Борьба Золотой Орды и государства Ильханов за Азербайджан. М., 1946.
2. Аннинский С.А. Известия венгерских миссионеров, XII-XIV веков, о татарах и Восточной Европе «Исторический Архив», Т-III, М,Л, 1940.
3. Бартольд В.В. Образование империи Чингисхана, Собрание сочинений. Т.V. М., 1968.
4. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сборник сочинений. Т-1. М., 1963.
5. Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и России, изд. 2-е, Л., 1925.
6. Бемон Ш., Моно Г. История Европы в средние века (395-1270). Петроград, 1915.
7. Бира Ш. Монгольская историография. XIII-XVII вв. М., 1978.
8. Бичурин Н.Я. (Иакиф) Сборник сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. т.I-II. Л.1950.
9. Греков Б.Д. и Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. М-Л., 1976.
10. Григорьев А.Б. Монгольская дипломатия XII-XV вв., М., 1978.
11. Д-р Эренжен Хари-Даван. Чингизхан как полководец и его наследие. Алма-Ата. 1992.
12. Иванин М. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Тимур. Т.-1994.
13. История средних веков. Т.1. Под редакцией С.П.Карпова. М., 1998.
14. История средних веков. Т.2. Под редакцией С.П.Карпова. М., 2001.
15. История Монгольской Народной Республики. М., 1983.
16. История стран Азии и Африки в средние века. М.1968.
17. История стран зарубежной Азии в средние века. М., 1970.
18. Галстян А.Г. Армянские источники о Монголии. Извлечения из рукописей XIII-XIV вв. М., 1962.
19. Греков И.Б. Восточная Европа и упадок Золотой Орды. М., 1979.

20. Гумелев Лев. От Руси до России. М., 2001.
21. Иречек К. История Булгар. Варшава, 1877.
22. История Польши, т-1, М., 1956.
23. История Венгрии, т-1, М., 1971.
24. История Чехословакии, т-1, М., 1988. (1956)
25. История Болгарии, т-1, Под редакцией П.Н.Третьякова, С.А.Никитина, Л.Б.Валева. М., 1954. (1957)
26. Каргалов В.В. Внешнеполитические факторы развития феодальной Руси. М., 1967.
27. Михайлов Г.И. Литературное наследство монголов. М., 1969
28. Книга Марко Поло. Перевод И.П. Минаева. Редакция и примечания и примечания И.П.Магидовича, М., 1955.
29. Козин С.А. Сокровенное сказание. Монгольская хроника 1240г. Т-1. М.-Л., 1941.
30. Насонов А.Н. Монголы и Русь (История татарской политики на Руси), М.-Л., 1940.
31. Орлов А.С., Георгиев В.А., Георгиева Н.Г., Сивохина Т.А., История России. М., 1997.
32. Пашуто В.Т. Героическая борьба русского народа за независимость. М., 1956.
33. Татаро-монголы в Азии и Европе. Изд-е. 2. Ответственный редактор С.Л.Тихвинский. «Наука», М., 1977.
34. Чулууны Далай. Монголия в XIII-XIV веках. Пер. с монгольского. М., 1983. (1981)
35. Минаев И.П. Путешествие Марко Поло. М.-Л., 1937.
36. Марко Поло. Книга Марко Поло. Пер. И.П.Минаева. М., 1956.
37. Плано Карпини. История Монголов. Пер. А.И.Малиена. СПб. 1911.
38. Плано Карпино Джованни. История Монголов. М. 1957.
39. Путешествие Ибн-Фадлана. Перевод с арабского под ред. И.Ю.Крачковского, Л., 1939.

- 40.Рубрук В. Путешествие в восточные страны. Перевод А.И.Малина. М., 1957.
- 41.«Сокровенное сказание». Монгольская хроника 1240 г. под названием «Юань-чао-би-ши», русск. перев. С.А.Козина, М.-Л., 1941.
- 42.Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. т.1.СПб. 1884.
- 43.Утемиш Хаджи. Чингизнаме. Алма-Ата. 1992.